

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 1-iyun, shanba № 41 (15679)

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Ёш чегарачилар ибрату

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камолга етказиш, уларда Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш ҳамда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказилаётган ҳарбий-спорт мусобақалари ва интеллектуал ўйинларнинг аҳамияти катта. «Ёш чегарачилар» мусобақалари ҳам юртимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий танловда бу йил Самарқанд вилояти Ургут туманидаги агротадбиркорлик ва сервис касб-хунар коллежининг «Амир Темуравлодлари» жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

— Ўқувчиларимизнинг бу муваффақиятида бутун жамоамизнинг муносиб ҳиссаси бор, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Говсиддин Шонаев. — Клубимиз раҳбари Шерзод Тайлонов, ёшларни муддатли ҳарбий чақириққа бошланғич тайёрлаш фани ўқитувчилари Суҳроб Исмоилов ва Сайфулла Аъзамов дарслардан сўнг ўқувчилар билан мунтазам машғулотлар ўтказиб, уларнинг билим ва маҳоратини оширди. Ана шундай изчил саъй-ҳаракатлар натижасида клубимиз аъзолари сафи йил сайин кенгайиб, улар орасидан шакллантирилган жамоа

мазкур йўналишда ўтказилаётган республика мусобақаларида муваффақиятли қатнаша бошлади.

Мусобақада клубнинг юксак муваффақиятга эришишига коллеж ўқувчилари Мадина Ризоқулова ва Райхона Лутфуллаева ҳам фаол ҳисса қўшди.

— Клубимизнинг эллик нафардан зиёд аъзоси орасида биз — ўн нафар ўқувчига ушбу мусобақаларда қатнашиш ва голиблар қаторидан ўрин олиш насиб этганидан хурсандмиз, — дейди М.Ризоқулова. — Мусобақада кўплаб шартларни аъло даражада бажариб, юқори балларни қўлга киритдик.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ургут тумани бўлимлари ташаббуси билан айна пайтда таълим муассасалари, маҳаллаларда «Амир Темуравлодлари» жамоаси аъзолари билан учрашувлар ўтказилаётгани ҳам ана шундай ибратли ишлардандир. Бундай тадбирлар ёшларнинг Ватан ҳимоясига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ф.ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, парламент аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган барча ислоҳот халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланган бошқа манфаатларини янада самаралироқ муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni



3-бетга қаранг

Сардор Муллажонов фотокolleжи

Dolzarb mavzu — muhokamada

Бола тақдирига ким масъул?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш омиллари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Бош прокуратура, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Ички ишлар, Соғлиқни

сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Тадбирда ёшларнинг таъ-

лим-тарбияси билан боғлиқ долзарб масалалар, хусусан, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши устидан Парламент назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оила-нинг ўрни ва аҳамияти, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар, давлат бошқарув органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги қандай бўлиши керак, каби масалалар юзасидан маърузалар қилинди.

(Давоми 6-бетда)

Тажриба ва маҳорат мактаби

27 — 30 май кунлари ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» IV республика семинари бўлиб ўтди

Устоз шоир ва адиблар ўзларидан кейинги авлод вакиллари, қалами бор ижодкорларга нисбатан «мактаб кўрган» деган иборани ишлатишади. Бу кимнингдир университет дипломига эга эканига ишора бўлмаса-да, сўзнинг айтилиш тарзидан, салмоғидан «мактаб кўрган» дегани жуда катта баҳо эканлигини осон англайсиз.

Адабиётимизда ўзининг мактабини яратган улғу ижодкорлар кўп. Уларнинг суҳбату сабоғини олиш, ҳар бир сўзига кулоқ тутиш ва керак бўлса, танбеҳу танқидларидан ҳам «баҳраманд» бўлиб туриш — уларнинг мактабида тобланиш, ижодкор сифатида шаклланиш, истеъдодга сайқал бериш, деганидир. Зотан, ижодкор қизгин адабий муҳитда, устозлар сабоғини олиб ижодкор бўлади. Шахсий мутолаа, истеъдод қанчалик муҳим бўлса, турфа фикрларга бой, сершовқин, баҳс-мунозаралардан гўнғир-гўнғир овозлар аримайдиган адабий давраларнинг аҳамияти ҳам шунчалик каттадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» республика семинарлари ҳам ижодга ҳавасманд, иқтидорли тенгдошларимиз учун ана шундай қизгин адабий баҳс-мунозара, турфа фикр, муносабатларга бой учрашувлари билан муҳим аҳамият касб этади. Семинарларда Ўзбекистон халқ шоирлари, халқ ёзувчилари, устоз публицистлар, тажрибали драматурглар, моҳир мутаржимлар, синчи адабиётшунослар маҳорат дарсларини ўтишади. Ёш ижодкорларнинг бу галги семинари ҳам ана шундай сабоқларга, қизгин адабий баҳсларга, унутилмас учрашувларга бой ўтди.

АССАЛОМ, ИЛҲОМБАХШ УЙ!

Бирор жойга бораётганингизда, ўзингиз билмаган ҳолда ўша жойнинг руҳига туша бошлайсиз. Тўйхонага ҳеч қачон мен ҳозир пахта теримига кетаяман, деган ишонч билан борилмайди. Тўйга бораётганингизни,

у ерда қовоқ солиб ўтириш ярашмаслигини ўйлаб, шу муҳитга кайфиятингизни сошлаб борасиз. Стадионга отлансангиз ҳам шундай, ҳеч ким, мен ҳозир бориб рақс тушаман, деган ҳаёлда йўлга тушмайди.

Семинарнинг расмий очилиш маросими ўтказилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ҳам ёшлар, семинар иштирокчилари қандай даргоҳга қадам қўяётганларини ҳис қилган ҳолда кириб бордилар. Тадбир бошланишидан аввал Миллий боғда бўлиб, Алишер Навоий ҳайкали пойига, Мустақиллик майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбарлар қўйишларида ҳам ўзига хос маъно бор. Бу билан тенгдошларимиз адабиёт ва маънавиятга нисбатан ўз эҳтиромларини кўрсатишди.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо ва бошқа таниқли, эл суйган ижодкорлар иштирок этиб, адабиёт бўстони-нинг эшигини чертаётган, кўкси умид ва орзуларга тўла ёшларга чин юракдан муваффақият тилашди.

— Бу даргоҳга орангизда кимдир биринчи, кимдир иккинчи дафъа келаётгандир. Бунинг кўп ҳам фарқи йўқ, — деди Абдулла Орипов. — Мен ҳар гал бу қутлуғ гўшага худди биринчи марта келаётгандек ҳаяжон билан келаман.

Устоз шоир истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, балки ундан ҳам аввалроқ мамлакатимизда маънавиятга жуда катта эътибор қаратилгани, хусусан, она тилимизга давлат тили мақоми берилиши, пойтахтимизда Алишер Навоийнинг муҳта-



шам ҳайкали бунёд этилиши — буларнинг бари маънавиятга очилган улкан дарвоза бўлганини алоҳида таъкидлади. Ижодкор ҳаммаша ҳалол, мард бўлиши лозимлигини айтар экан, сиздан аввалги ўнлаб истеъдодли ижодкорларга насиб этмаган бахт — ўз элини, ўз тарихини, ўз она Ватанини қуйлаш бахти сизга насиб этди. Бу бахтни юракларингизда асраб, ўлмас асарлар битинглар, дея тилак билдирди.

Шундан сўнг ёш ижодкорлар шоир ва адибларнинг илҳомбахш даргоҳи — «Дўрмон» ижод уйига йўл олдилар.

ИНДИВИДУАЛ ҲАМДАШУВ

«Истеъдод мактаби» семинарига бу гал ёш публицистлар, драматурглар ва таржимонлар таклиф этилди. Уларга мазкур йўналишларда устоз ижодкорлар томонидан маҳорат сабоқлари берилди.

— Аввалги семинарлардан фарқи — бу гал бир йўналишга тўрт-беш нафардан устоз ижодкорларни жалб этдик, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо. — Бир устозга уч-тўрт нафардан иштирокчи ёш қаламкаш бириктирилган. Бу устозларимиз учун ҳам, семинар иштирокчилари

учун ҳам қулай бўлди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Ражаб Рўзимухаммад семинарда драматургия йўналиши бўйича сабоқ олди.

— Семинарда ўзимнинг «Бахт излаб» номи пьесам билан қатнашдим, — дейди Ражаб. — Асарим устозлар ва иштирокчилар томонидан пухта таҳлил қилинди. Илик фикрлар ҳам, танқидлар ҳам бўлди. Уларни тўғри қабул қилдим. Масалан, асар конфликтини кучайтириш ҳақидаги мулоҳазалар ўринли. Қаҳрамонларим хатти-ҳаракатидаги табиийлик, воқеалар мантиғи ҳақидаги фикрларни ҳам яхши қабул қилдим. Умуман, семинар машғулотларидаги очиқлик, самимийлик менга маъқул бўлди.

Нукус давлат педагогика институти талабаси Дилноза Қурбонова инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан инглиз тилига ва ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига бадиий ва публицистик асарларни таржима қилиб келади.

— Бадиий таржима йўналишида ўн беш нафар тенгдошим билан бирга сабоқ олдик, — дейди Дилноза. — Мени қувонтиргани, тенгдошларим орасида инглиз, немис, корейс ва туркман тилини мукамал билладиган ёшлар бор экан. Улар билан таржима масаласида фикрлашдик. Тажрибаларимиз

билан танишиб, келгусида ижодий ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

ИЖОДКОР ИЖОДКОРНИ ТУШУНАДИ...

Семинарнинг учинчи куни ёш ижодкорлар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Жаҳон адабиёти» журналлари муҳаррирлари билан учрашдилар. Самимий мулоқот руҳида кечган учрашувда тенгдошларимиз мазкур нашрлар ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Ўқувчи сифатида ўз талаб ва истакларини ҳам изҳор этдилар.

— Ўзингиз ҳам гувоҳ бўлгангиздек, ушбу ижодий учрашувда ҳеч ким ҳеч кимни аямасди, — деди семинарнинг бадиий публицистика йўналиши иштирокчиси, андижонлик Сардорбек Қосимов. — Бу менга ўхшаган бўлажак журналистлар учун ҳақиқий амалий сабоқ бўлди. Публицистикада воқеликни ҳаққоний ёритиш қанчалик муҳим бўлса, оддий шахс сифатида тўғриси, тўғриқўз бўлиш нақадар муҳим эканини ҳам ушбу суҳбатдан сўнг яна бир қарра англаб етдим.

ХУЛОСАЛАР...

Ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» IV республика семинари фақат ижодхоналарда, аудиторияларда ўтгани йўқ. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги «Шарқ зиёкори» китоб дўконида бўлиб, янги чиққан китоблардан харид қилишди. Алишер Навоий номидаги адабиёт ва санъат музейига, Ойбек уй-музейига боришди. Ўзбек Миллий академик драма театрида таниқли адиб Кўчқор Норқобил пьесаси асосида сахналаштирилган «Қуёшни сен уйғотасан» спектаклини томоша қилишди.

Оддий учрашув бўладими, катта семинар бўладими, ҳар қандай тадбир ўзининг ранг-баранг хулосалари билан гўзал. Ҳўш, ёш ижодкорларнинг бу галги семинари нимаси билан кўпроқ ёдда қолади? Ҳар кимнинг ўз хулосаси бор.

Бизнингча, семинардан олинган таассуротлар фақатгина қизқарли ижодий мулоқотлардан олинган завқ, хушҳаво, кўркем манзилларнинг бетакрор хотирасидан иборат бўлмайди. Семинарда қатнашган қирқ икки нафар умидли қаламкашнинг фаолиятидаги бебаҳо тажриба ва маҳорат мактаби бўлиб қолади.

Элмурод НИШОНОВ, «Turkiston» муҳбири.

Сардор Муллажонов олган сурат

Олий суд пленуми мажлиси

(Давоми, боши 1-бетда)

Бюджет ва солиқ соҳаларининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилмоқда. Жаҳон тажрибаси ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси солиқ соҳаси масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни мужассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қулайликлар яратмоқда. 2008 йил 1 январдан кучга кирган мазкур кодексда солиқ тўловчиларнинг

ҳуқуқлари кенгайтирилиши билан бирга, солиқ солишининг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, ягоналиги тамойиллари, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 29 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниб, солиқ қонунчилиги янада такомиллаштирилди.

Ийгилишда муҳокама этилган «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги Олий суд пленуми қарори лойиҳаси солиқ қонунчилигига киритилган юқоридаги каби

ўзгартиш ва қўшимчаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш — ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи. Бироқ амалда жисмоний ва юридик шахслар томонидан солиқдан бўйин товлаш, солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари учраб туради. Хусусан, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар натижасида солиқдан бўйин товлаш ҳолатлари баробарида солиқ солинадиган базани аниқлаш ва белгиланган солиқларни ундиришда бир қатор

камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани маълум бўлган. Бундай ҳолатларга барҳам бериш юзасидан кўрилатилган чора-тадбирларда тадбиркорлар ва солиқ идоралари ходимларининг солиқ қонунчилигига риоя этишдаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бу борада суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларга тегишли тушунтиришлар бериш мақсадида суд амалиёти умумлаштирилиб, олимлар ва амалиётчилар, давлат идоралари вакиллари фикр-мулоҳазалари асосида пле-

нум қарори лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалалар қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА муҳбири

Меҳрдан қурилган уй

Бу оилада 140 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Кимдир ака, кимдир опа, яна бири ука ёки сингил. Уларнинг тақдири жуда ҳам ўхшаш — барчаси, ҳали бола бўлишларига қарамай, ота-онасидан айрилиш қисматини бошдан кечирган. Бундай тақдир уларни Хива шаҳридаги 20-меҳрибонлик уйига бошлаб келди.



Ушбу меҳрибонлик уйи вилоятда ягона ҳисобланади. Раҳбари — Вера Борисовна Пак, мана, салкам ўттиз йилдирки, умрини етим болаларга оналик қилишдек олижаноб ишга бағишлаб келмоқда. Шу боис тарбияланувчилар Вера опани ҳақли равишда она деб аташади. Ҳатто меҳрибонлик уйдан учирма бўлиб кетсалар ҳам, меҳрибон оналарини унутишмайди, йўқлаб туришади.

— Меҳрибонлик уйидаги фаолиятим ҳаёт тарзимга айланган, — дейди Вера Борисовна. — Аввал-бошданок шундай эди. Болаларни ёлғизлатиб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Ахир, бу норасидларнинг шусиз ҳам кўнгли ярим, ёш бошига қанча мусибатлар тушмаган дейсиз?! Кўпчилигининг ота-онаси ҳаёт, яқин қариндошлари ҳам бор. Аммо, афсуски, улар ўз жигарбандиларига керак эмас. Собиқ тарбияланувчимиз Беҳзод Худойбергеновни эслайман. У бизга болалар колониясидан келганди. Ушанда 5-синфда ўқирди. Колонияга уни онаси топширган. Шундан буён бирор марта ўғлининг тақдири билан кизиқмади. Беҳзодни улғайтирдик. У яхши касбни эгаллади, кейин уйланди. Ҳарқалай, ёмон инсон бўлгани йўқ. Давлатимиз томонидан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилапти. Улар мустақил ҳаётга қадам қўяётганда бепул уй-жой билан таъминланади. Бу бўйича ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинган. Тарбияланувчиларимиз ўзларига яратилаётган шароитлардан тўлақонли фойда-

ланишсин, деб, уларнинг келгуси тақдири билан қизиқамиз, бирор муаммо ё қийинчиликка дуч келса, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

20-меҳрибонлик уйида болалар катта оила бўлиб яшайди.

— Бундай тажрибани кўп йилдан буён татбиқ этяпмиз, — сўзида давом этади Вера Пак. — Болаларнинг оила муҳитида тарбия топишлари уларнинг психологик ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир меҳрибонлик уйида жами тўққизта оила бор. Ҳар бирида ўн етти нафардан ўғил-қиз тарбияланмоқда. Улар ўз оилаларига ном ҳам ўйлаб топшиган — «Камалак», «Умид», «Орзу» ва бошқалар. Турли оилалардан келган болаларни қайтиб бир оилга бирлаштириш, улар учун оилавий муҳитни шакллантириш осон эмас. Шу боис тарбияланувчиларимизга бир оила бўлиб яшаш имкониятини яратиб беряпмиз. Улар бир-бирига опа-ука, ака-сингилдек муносабатда бўлиб, бирга мактабга боришади, бирга дарс тайёрлашади, уй юмушларини бажаришади. Ҳар бир оилга иккитадан тарбиячи бириктирилган. Жумладан, эркак тарбиячилар ҳам бор. Педагогик жамоамизда ҳаммаси бўлиб 23 нафар педагог ва тарбиячи бўлса, шулардан олти нафари эркак киши. 7-синфдан бошлаб йигитлар ҳарбий-спорт гуруҳига саралаб олинади. Қизлар эса, оилаларда яшашда давом этади. Ҳарбий-спорт гуруҳи тарбияланувчиларимизни касбга йўналтиришда, айниқса, ижобий самара бермоқда.

Bolaning begonasi bo'lmaydi

Кўплаб битирувчиларимиз ҳозир ҳарбий соҳада муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири Бобомурод Ҳрозов, ҳозир майор. Қашқадарёда хизмат қилади. Меҳрибон ва оқкўнги йигит. Кўнгироқ қилади, ҳол-аҳвол сўрайди, шароитларимиз билан қизиқади. У каби ўғилларим жуда кўп. Улар билан фахрланаман.

20-меҳрибонлик уйида очик спорт майдончаси, спорт зали, ўйин майдончалари, шинам ошхона, тиббиёт пункти жойлашган. Шунингдек, орқа ҳовлида болаларнинг ўзлари боғ ташкил қилган. Боғ худудида иссиқхона ҳам бор. Ҳар бир оила ўз ер майдонига эга. Болалар дарсдан қайтгач, бирор соат боғда ишлашади. Меҳрибонлик уйида ажойиб анъана шаклланган — меҳрибонлик уйини тарк этаётган йигит-қиз, албатта, биттадан дарахт кўчати экиб кетиши керак. Улардан кейин қоладиган ука-сингиллари эса, кўчатларни парваришлайди. Утган йили кўкламда ўн тўрт тул мевали дарахт кўчати экилган эди, ҳозир ушбу ниҳоллар бўй чўзиб қолган.

«Орзу» оиласида бирров меҳмон бўлди. Тушдан кейинги пайт. Болалар дам оляпти. Оиланинг кичикроқ аъзолари мультфильм томоша қилишса, бошқалари дарс тайёрлаш, яна биров кутубхонада мутолаа билан банд. Ие, мана бу хоналарда-чи?

— Булар тўғарак хоналари, — деб жавоб беради «Орзу» оиласининг тарбиячиси Шоира Собирова. — Бизда моҳир кўллар, ёш рассом, компьютер саводхонлиги ва инглиз тили тўғараклари мавжуд. Шунингдек, болалар махсус спорт секцияларида футбол, эркин кураш, бадий гимнастика билан шугулланишлари мумкин. Меҳрибонлик уйида йигирма йилдан буён тарбиячи бўлиб ишлайман. Шароитларимиз яхши. Бу ерда тарбияланувчиларимиз меҳр кўришапти. Биласизми, фарзанд кимники бўлишидан қатъи назар, аввало, инсон. Меҳр-этиборга ташна. Унинг қисмати учун, биринчи навбатда, ота-онаси жавобгар. Бироқ айнан ўша ота-оналарнинг ношудлиги туфайли болалар оиласидан узилиб қоляпти. Вера Борисовна бизга доимо уқтиради: «Тарбиячи болалар орасида катта ишонч ва ҳурмат қозонмоғи керак. Болани бир марта алдадингми, тамом, у иккинчи бор сенга ҳеч қачон талпинмайди». Ҳақ гап. Шунинг учун бизнинг оиламизда каттаю кичик — ҳамма бир-бирига садоқатли.

— Яқшанба куни келсангиз, албатта, ош еб кетасиз, — меҳмоннавозлик билан тақдир қилди Вера опа, биз билан хайрлашар экан. — Бундай хайрия дастурхонларини ҳамшаҳарларимиз ҳафтада 2-3 марта ташкиллаштириб туришади. Болаларга бефарқ бўлмаган саховатпеша инсонлар бор, шундан хурсандман. Тарбияланувчиларимизни ўз бағрига олаётган оилалар ҳам оз эмас. Халқимизнинг болажонлик фазилатига сира кўз тегмасин!

Вера Борисовна Пак — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими. 2001 йилда давлатимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

Халқимизнинг фазилатлари ҳақида гап кетганда, албатта, болажонликка алоҳида урғу бериледи. Бу эътибор юртдошларимизнинг нафақат ўз фарзандларига, балки ўзгалар боласига ҳам саховат, меҳр назари билан боқишида намоён бўлади. Биз сўз юритмоқчи бўлган маскан — Гулистон шаҳридаги болалар шаҳарчаси қалби муруватта лиммо-лим халқимизнинг болаларга чексиз меҳр-муҳаббатининг бир кўринишидир.

Шаҳарчанинг бахтиёр болалари

Ҳар бир бола ўз оиласи, ака-укалари, опа-сингиллари бўлишини хоҳлайди. Эрталаб ноуштада, кечқурун кечки овқат маҳалида бир дастурхон атрофида туғишганлари билан дийдорлашиши, таомдан сўнг суҳбатлашиши, бирга дарс тайёрлаб, телевизор кўришни истайди. Болаларга хос, улар руҳиятига уйғун бўлган шариоит мазкур болалар шаҳарчасида муҳайё этилган. Шаҳарчада етти-саккиз нафар болани бағрида жамлаган оилалар ташкил этилган. Болалар худди ўз оилаларида яшагандек истиқомат қилишади, катталар кичикларга ёрдам беради, дарсларига кўмаклашади, ҳатто оила аъзоларининг туғилган кунларию байрамлар ҳам оила даврасида қувноқ кайфиятда нишонланади. Шу боис шаҳарчада тарбияланаётган ҳар бир бола ўзини кўнгли кемтик, эътиборсиз ҳис этмайди, кўнглида, мен ҳеч кимдан кам эмасман, деган туйғу билан камол топмоқда.

Гулистон санъат коллежи ўқувчиси Азизжон Норматов болалар шаҳарчасида улғайган. Келажакда таниқли режиссёр бўлмоқчи.

— Режиссёрликни бошлаган куним илк фильмимни оила мавзусига бағишлайман. Она образини шаҳарчамизда бизга беқиёс меҳр кўргазган оналар тимсолида тасвирлайман, — дейди Азизжон.

Шаҳарча тарбияланувчилари ўқишдан сўнг бўш вақтларини кўча чангитиб ўтказишмайди. Сабаби, шаҳарчадаги 15 та тўғарак уларнинг вақтига мазмун киритади. Айниқса, болаларни касбга йўналтиришда тикувчилик, сартарошлик, дурадгорлик, пазандалик каби йўналишлар катта аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, болалар шаҳарчасида компьютер саводхонлиги, тикувчилик, рақс, зардўзлик, кулоллик, футбол, волейбол, баскетбол, теннис, енгил атлетика, шахматшашка бўйича тўғараклар самарали фаолият олиб бормоқда.

Шаҳарчада ташкил этилган «Камалак» ашула ва рақс дастаси вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўплаб тадбирларнинг фаол иштирокчиси, «Янги авлод — 2010» болалар ижодиёти фестивали республика босқичи ғолиби. Қолаверса, ушбу рақс дастаси 2009, 2010, 2011 йилларда «Ёш юлдузлар» ва «Меҳржон» республика танловларида, 2011 йили Бухоро шаҳрида ўтказилган «Ас-

рлар садоси» анъанавий фольклор фестивалида ғолиб бўлиб тақдирланди.

Тарбияланувчилар орасида спортга муносабат ҳам аъло. Шу боиски, армрестлинг бўйича шаҳарча тарбияланувчилари — Насиба Шарипова тўққизи карра, Александра Маслова эса икки



карра Ўзбекистон чемпиони бўлиб, вилоят ҳокимлиги томонидан тақдирланди. Шаҳарчанинг «Гулистон-2» футбол жамоаси бола-да ўтказилган вилоят биринчилигининг совриндори дир. Тасвирий санъат бо-

расида ҳам шаҳарча тарбияланувчилари пешқадам. 2013 йили «Камалак жилоси» республика расмлар кўрик-танловидеда шаҳарча тарбияланувчилари — Юрий Савин фахрли 1-ўринни, Рамазон Исроилов 3-ўринни эгаллади.

Шаҳарчада камолга етган йигит-қизлар катта ҳаётга учирма бўлгандан сўнг ҳам шаҳарча маъмурияти диққат марказида бўлади.

— Шаҳарчамизда таълим-тарбия олган ёшлар ҳозирга қадар мураббияларидан, бу ердаги ука-сингилларидан хабар олиб туришади, — дейди Гулистон шаҳридаги болалар шаҳарчаси директори Покиза Аҳмаджонова. — Айни пайтда шаҳарчамизда улғайган ўттиз беш нафар йигит-қизнинг мустақил ҳаётда ижтимоийлашув жараёни кузатилмоқда. Бу йил ўн нафар йигит-қиз ўзлари танлаган мутахассислик бўйича касб-ҳуна коллежларида ўқишни давом эттиради. Катта ҳаётга учирма бўлган йигирма беш нафар ёш уй-жой билан таъминланди.

Бундай эзгу тадбирлар ҳамон бардавон. Бу йил вилоят ҳокимлиги кўмағида Гулистон давлат университетида таҳсил олаётган тарбияланувчилардан тўрт нафарининг шартнома пули тўлаб берилди. Қолаверса, ҳаётининг кейинги босқичларида ҳам шаҳарча маъмурияти ёшларнинг тўй-ҳашамларида, тантаналарида маънавий-моддий кўмак беради.

Айрим жойларда болалар баҳоғатга етгач, ота-онаси ўз йўлида, фарзанд ўз йўлида давом этади. Бироқ бизда фарзандлар уйли-жойли бўлгандан сўнг ҳам меҳр-оқибат ришталари мустақим бўлади. Шу боис ҳам халқимизнинг болажонлиги, муруватпешалиги тилларда, дилларда асрлар оша барҳаёт.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

«Talabalar bahori — 2013»

ИЛМ, ТАРАҚҚИЁТ, КЕЛАЖАК САРИ

27 — 31 май кунлари кўҳна ва навқирон Хоразм воҳасида «Талабалар баҳори — 2013» фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган фестивалда республикамиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 450 нафар талаба иштирок этди

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида илмий-ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш ҳамда кўлаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган фестивалда илмий-амалий анжуманлар, иқтидорлар ва истеъдодли талабалар танловлари, интеллектуал ақциялар, маҳорат дарслари ва тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилди.

ИҚТИДОРЛИК АНЖУМАНИ

Фестивалнинг иккинчи кунини вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Урганч давлат университетида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда табиати муҳофазат қилиш ва барқарор экологик муҳитни яратиш» мавзусидаги талабаларнинг илмий-амалий анжумани фестивалнинг асосий тадбирларидан бирига айланган.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросими Урганч шаҳридаги «Авесто» амфитеатрида бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилояти ҳокими Пўлат Бобоҷонов сўзга чиқди.

— Хоразмда улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари давом этган кунларда вилоятимизга ташриф буюриганингизда катта ҳикмат бор. Чунки Ўзбекистондаги ўзгал мамлакатнинг шимолий вилоятида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган ўзгаришларни ўз кўзингиз билан кўриш, ҳис қилиш, эски, ўз умрини яшаб бўлган биналар ўрнини замонвий иморатлар эгаллаётганига шайхон гувоҳ бўлиш ва ўзгаришларни баҳолаш имконига эга бўлмоқдасиз, — деди вилоят ҳокими. — Нафақат замонвий ва кўркам маданий-маиший биналар, балки янгидан-янги санаят объектлари ҳам қад кўтариши мўлжалланмоқда. Келгуси йилдан Питнак шаҳрида «Дамас» русумли автомобиль, Урганчда эса экскаваторлар чиқа бошлайди. Бундан ташқари, қирқ беш турдаги санаят маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши вилоят аҳолиси, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Тадбирда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев ҳам сўзга чиқиб, талаба-ёшларни навбатдаги фестивал билан табриклади. Республикамиз ёшларини бирлаштириш, уларни ташаббускорлик, изланувчанлик, жамиятда фаолликка қирқовчи, иқтидорли, интеллектуал салоҳиятлари ёшлар мамлакатнинг ҳақиқий таянчи ва ишонч эканини айтиб ўтди.

Байрам тантаналари санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари ҳамда талабаларнинг кувноқ ўйин-кулгиларига улашиб кетди.

Иқтидор ва қобилиятларини юзага чиқариш учун яратилаётган шарт-шароитлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади, — деди анжуманда сўз олган «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев. — Озод ва обод Ватан келажаги ҳар бир йигит-қизни ҳушёрликка қорлаши, уни сергак туришга ундаши табиий. Юртимиздаги мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишда ёшларимизнинг салоҳияти ва изланишлари самара беришига ишонса бўлади. Бу борада «Камолот» ёшларнинг фаол фуқаролик позициясида тарбиялаш, бирлаштириш мақсадида ҳайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Конференцияда Урганч давлат университети проректори Санжар Давлетов, университетнинг барқарор тараққиёт ва экологик таълим кафедраси мудири, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Озод Раҳимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси Илҳом Отажонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ф.Холбоев юртимиздаги мавжуд экологик вазият, экологик таълим тараққиёти, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида фикр юритди.

— Экологик таълим барқарор тараққиёт омиллири, — деди Урганч давлат университети кафедраси мудири Озод Раҳимов. — Атроф-муҳит муҳофазаси биз яшаётган она табиатга меҳр-муҳаббатни шакллантиришга ҳамда ўргатади. Анжуман дастурига киритилган мавзу нафақат муҳасисларни, балки ташаббускор талаба-ёшларни ҳам қизиқтиратгани, муаммоларнинг ечимини топишда ўз изланишларини, таклиф ва тавсияларини бераётгани, эртанги кунимиз эгалари ўзларининг қобилият ва иқтидорларини мамлакатнинг ободлиги ва тараққиёти йўлида сарфлашга тайёр эканликларини кўрсатади.

Иқтидор, салоҳият ва шижоат эгалари бўлган талаба-ёшлар етакчи эколог олимлар, соҳа мухтаassisлари билан бир стол та-

риқлашмоқда. Хивадаги кўҳна арк кушлар ва нодаврий турларга кирувчи кушлар мавжуд. Агар сув ҳавзаларининг табиий муҳитини сақлаб қолмасак, кўлаб куш турлари йўқолиб кетиши мумкин. Ана шундай пайтда сув ҳавзалари атрофида қўриқчаларнинг таълим усуллари, «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови», «Атроф-муҳит мусофоллиги ва барқарор экологик муҳитни таъминлашда замонвий технологиялардан фойдаланиш» мавзуларига бағишланди.

Урганч давлат университети талабаси Феруза Оллошукурова экологик маданиятни шакллантиришни кичик мактаб ёшлариданоқ экологик таълимни йўлга қўйиш орқали жорий этишни таклиф этди. Эътиборли томони мавзулар мавзунинг долзарблиги, ёритилиши, тадқиқот объектларининг тўғри танланганили-



ги, ҳимоянинг пухталиги каби мезонлар билан баҳоланди.

— Анжуманда «Чўл зонаси сувликларининг кушлар биохимия-хиллигини оширишдаги роли» мавзусидаги мавзу билан катнашдим, — дейди Бухоро давлат университети талабаси Бунёд Фаниев. — Мамлакатимизда сув ва суволди ҳаёти билан боғлиқ бўлган 132 турдаги куш бор. Шундан 26 таси камсонли ва ноёб тур ҳисобланади. Тўдакул, Қораққирғил каби кўлаб сув ҳавзаларида маҳаллий ўтроқ кушлар, учиб ўтувчи, қишлайдиган,

ин қуриш учун келиб кетувчи кушлар ва нодаврий турларга кирувчи кушлар мавжуд. Агар сув ҳавзаларининг табиий муҳитини сақлаб қолмасак, кўлаб куш турлари йўқолиб кетиши мумкин. Ана шундай пайтда сув ҳавзалари атрофида қўриқчаларнинг таълим усуллари, «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови», «Атроф-муҳит мусофоллиги ва барқарор экологик муҳитни таъминлашда замонвий технологиялардан фойдаланиш» мавзуларига бағишланди.

Урганч давлат университети талабаси Феруза Оллошукурова экологик маданиятни шакллантиришни кичик мактаб ёшлариданоқ экологик таълимни йўлга қўйиш орқали жорий этишни таклиф этди. Эътиборли томони мавзулар мавзунинг долзарблиги, ёритилиши, тадқиқот объектларининг тўғри танланганили-



ХИВА — ТАЛАБАЛАР БАҲОРИНИНГ МЕЗБОНИ

Хоразмга келган ҳар қандай инсон қадим Хивани кўрмай кетмайди. Минг йиллар давомида қад ростилаб турган навқирон шаҳар ҳамон савлат тўки турибди. «Камолот»-Турне» маданий дам олиш экскурсияси доирасида Хива, Шовот, Хонқа, Богот туманноёб тур ҳисобланади. Тўдакул, Қораққирғил каби кўлаб сув ҳавзаларида маҳаллий ўтроқ кушлар, учиб ўтувчи, қишлайдиган,

олишди. Хивадаги кўҳна арк кушлари бу ерга ташриф буюрган ёшларнинг хайратини оширгани шубҳасиз.

— Хоразмни лагзисиз, чўғирма телпақларсиз тасаввур қилиш қийин. Хивалиқларнинг меҳмондорчилиги қўриқчаларнинг муҳимлигини сақлашга хизмат қилади.

«Илм, тараққиёт, келажак сари» шиори остида ўтказилган «Талабалар баҳори» фестивали доирасида бўлиб ўтган конференция талаба-ёшларнинг муҳофазат, эътибор ва тортишуларига бой бўлди. Бирор мавзуга савол-жавобларсиз қолмади. Интерфаол мулоқотлар муаллиф ва катнашчиларни янада зийракликка қорлади.

Анжуман сўнгида талабаларнинг илмий ишлари чоп этилган тўплам иштирокчиларга тақдим



этилди. «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишонини соҳиби Абдулазиз Мўминов.

Очиқ осмон остидаги музей деб ном олган Ичанқалъа мажмуаси салкам ўттиз гектар майдонни эгаллаган. Қалъанинг сахна майдонидида фестиваль иштирокчилари учун дорбозлар ўйини, қураш, кўчкор уриштириш каби кўрсаткич дастурлар намойиш этилди. Маданий дастур Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Дилноза Эркинованинг «Шарк» деб номланган либослар кўргазмаси билан давом этди.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВИ

«Талабалар баҳори» фестивали доирасида яна бир тадбир — «Иқтидорли талабалар» танлови ташкил этилди. Танловда талабалар танлаган мавзу йўналишларига қараб гуруҳларга бўлинди. Урганч давлат университетининг етакчи олимларидан иборат экспертлар гуруҳи талабаларнинг илмий мавзуларини кузатиб борди. Танловда мавзуларнинг долзарблиги, ёритилиш маҳорати, амалиётда қўлашга мосли-

ги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.



лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.



лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.

Хаётжон Шарипов Бухоро давлат университетининг 3-курс талабаси. У «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови» шубҳасида иштирок этди. Ёш тадқиқотчи ёнилли биокатализаторларнинг атроф-муҳитни муҳофазат этишдаги ўрни ва аҳами-

лиги масалалари ҳам баҳолаш мезонларидан ҳам сифатида эътиборга олинди.



Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Turkiston» муҳбири

(Давоми, боши 1-бетда)

— Болалар тақдирига нафақат ота-оналар, оила, балки маҳалла, ички ишлар органлари, жамоатчилик — ҳамма масъул бўлиши керак, — деди анжуманда сўз олган Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Сайфулла Нурматов. — Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010 йилдан кейинги йилларда юртимизда болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги сони сезиларли тарзда камайди. Бу ҳам бўлса соҳада амалга оширилётган ислохотлар, ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар натижасидир.

Бола тақдирига ким масъул?

Анжуманда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев «Болалар ҳуқуқларини ҳимоялашда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар роли» мавзuida маъруза қилди.

— Мамлакатимизда вояга етмаганлар билан ишларнинг самарали усуллари билан бири амалиётга татиқ этилган, — деди Баҳодир Фаниев. — Бу ҳарбий-спорт оромгоҳларининг ташкил этилганидир. Уларда ўтган давр мобайнида олти мингга яқин бола иштирок этган. Бир ярим мингга яқин вояга етмаганлар ижобий тавсия олиб, профилактик ҳисобдан чиқарилгани ушбу оромгоҳлар иши тўғри йўлга қўйилганини англатади.

Болалар тақдири — эл-юрт тақдири. Бугун қадалган ниҳол — эртага чинор бўлиб улғайиши парваришга боғлиқ бўлганидек, бугунги болалар ва ўспиринларга берилаётган таълим-тарбия, уларнинг камолига қаратилган юксак эътибор — келажакка мустақам пойдевор, буюк шахслар майдонга чиқишига замин, дейиш мумкин. Илмий-амалий конференцияда айtilган гаплар, билдирилган тавсияларнинг ўзагида ана шу фикр устувор бўлди.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Ўқишади, амалиёт ўташади, ишга жойлашади

Зомин информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига келган киши дастлаб коллеж ҳовлисида ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлади. Ҳар хил гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар эътиборни тортади. Айниқса, етмиш сотих жойга 500 тупдан зиёд тут кўчати экилганки, бу қишлоқ шароитида ишлаётган коллеж жамоасининг пиллачиликка қўшаётган ҳиссасидан дарак беради.

2008 йилда очилган ўқув масканида айни пайтда 752 нафар ўқувчи ўн учта йўналиш бўйича тахсил олмақда. Улар банк иши, бухгалтерия иши ва аудит, ахборот ва коммуникация тизимлари, компьютер ва компьютер тармоқларини монтаж қилиш ва созлаш техниги, ер тузувчи ва геодезия ишлари техниги, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори каби йўналишларда ўз билимларини ошириб, тумандаги кўпгина корхона ва муассасалардаги ўқув ишлаб чиқариш амалиётларида касбга кўникма ҳосил қилишмоқда. Ҳозирда «Микрокредитбанк»нинг туман филиали, туман алоқа бўли-

ми, тумандаги мактаб ва фермер хўжаликлари, «Даштободшаҳаргаз», «Ермулқакдастр» каби ташкилотларда коллеж ўқувчиларининг амалиёт ўтаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Утган йили ушбу коллежни 209 нафар ўқувчи битирган. Уларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди, албатта. Утган йили шу коллежни битирган Абдусодиқ Худойбердиев ҳозир шу коллежнинг компьютер йўналишида ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлаяпти. Яна бир битирувчи Сарвар Рустамов эса, шу тумандаги «Мустақиллик» сув истеъмолчилари уюшмасидаги фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчасида

компьютер оператори вазифасида ишлаяпти. Битирувчи Шахриёр Сафаров тумандаги 52-мактабда информатика ўқитувчиси. Уларнинг касб фаолияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Муҳими, улар халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият олиб боришяпти.

— Коллежимиз Ziyonet тармоғига уланган, — дейди коллеж директори Алишер Бадриддинов. — «Uztelekom»нинг Жиззах вилояти филиали ҳомийлигида компьютер хоналари жиҳозланган. Компьютерларни таъмирлаш, лаборатория хонаси мавжуд. Бошқа фанлардан ҳам лаборатория хоналари тўлиқ жиҳозланган. Муҳими, тажриба ўтказиш учун ҳамма қулайликлар бор. Ўқувчилар учун эллик ўринли тураржой биномиз қулай шарт-шароитларга эга.

— Ўқувчиларни фанларга ва турли танловларга қизиқтиришда, уларнинг билимларини оширишда ўқитувчилар жамоасининг ҳиссаси катта, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича

ўринбосари Эшбой Бийтўраев. — Масалан, ўқитувчи Ҳамза Шаханов маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасидан ташқари инглиз тилидан ҳам дарс беради. Унинг «Can you speak English?» тўғрисида нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ҳам қатнашади. Тарихдан дарс берадиган ёш ўқитувчи Нодир Абдуазимов кўпчиликка ўрнак. Тикувчиликда Гулчехра Қахрамонованинг дарс бериши ўқувчиларга жуда манзур. Бундай ўқитувчилар жамоамизда кўпчиликни ташкил қилади.

Коллежда илғор ўқувчилар, интилувчан ёшлар жуда кўп. Ўқувчи Зафар Тошбоев компьютер соҳасида анча билим ва кўникмага эга. Ислом Сарминов эса, тадбиркор бўлиш мақсадида кредит олиш учун ҳужжатларни тўплайпти. Яна бир ўқувчи Сабоҳат Тўйчиева «Касб маҳорати» танловида вилоятда фахрли ўринни эгаллаган.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Оилалар бой бўлса, юрт обод бўлади

Ободлик кўнгилдан бошланади. Кейинги пайтларда бу ибора қулоғимизга тез-тез чалиняпти, қолаверса, кўчаларда илинган баннерларда ҳам бу каби ёзувларга кўзимиз тушади. Шунда беихтиёр юртимизда кечаётган ўзгаришлар, ободончилик, бунёдкорликлар, халқимиз турмушидаги юксалиш кўз олдимизда намоён бўлади. Обод турмуш йилида юртимизда кўнгилни обод этадиган хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Туманимиздаги оилаларнинг кўпчилигида томорқа маданияти яхши ривожланган, — дейди «Ғиждувон деҳқон бозори» очiq турдаги ҳиссдорлик жамияти раиси ўринбосари Фахриддин Тошев. — Бир сотих ердан тонналаб сабзавот етиштиратган хонадонларимиз бор. Бозордаги энг сара картошкани, минг дардга даво қовоқлар, кўйинги, барча шифобахш мева-чевалару сабзавотлар, булғор қалампирию ловия, карам, бақлажонларни биринчи бўлиб пештахталарга олиб чиқадиган ҳам тиниб-тинчимас деҳқонларимиздир. Деҳқон ва тадбир-



корларимизнинг меҳнатларини ҳар қанча қадрласак, уларга қулайликлар яратсак, арзийди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун 370 миллион сўм маблаг эвазига 176 ўринли айвон қурилиб ишга туширилди. Яна ҳар бири 176 ўринли, иккита айвон қурилиши режалаштирилди. Туманда янги корхоналар барпо этиши, мавжудларини реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича корхоналар барпо этишни режалаштирилганми. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш масъул ходимлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган

дўконларнинг йодланган туз ва бошқа сифатли маҳсулотлар билан таъминланганлиги кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда туманда 157 та озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи, жумладан, ўн та қолипчи нон, учта сутни қайта ишловчи, еттига ош тузини қадоқлаш фирмаси фаолият кўрсатяпти. Ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш борасида олиб борилаётган ишлар яхши самара берапти. Аҳолини иш билан таъминлашга, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, кам таъминланган оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Иссиқхоначиликда донг таратиб, қишин-ёзин эл дастурхонидан помидор-бодринг аримаслигини таъминлаётганларнинг меҳнатига тан бериб, қандини урсин, деймиз. — Утган йили картошка мўл бўлди, — дейди миришкор деҳқон Анвар Аҳмедов. —

Бир сотих ердан уч тоннага яқин ҳосил олдик. Томорқа ортидан турмушимиз тўкин. Йил бўйи дастурхонимиздан сабзавот ва кўкатлар аримайди. Помидор, бодринг ҳам етиштирамиз, эҳтиёжимиздан ортганини бозорга чиқарамиз. Хонадонимизда қишда ҳам исмалоқ кўкариб ётади. Илғор тажрибаларимизни «Ғиждувон деҳқон бозори» маъмурияти эътиборсиз қолдираётгани йўқ. Улар бизга қулайлик яратиш мақсадида доимо ҳаракатда, бундан хурсандмиз.

Деҳқон ва боғбон, тадбиркорларимизнинг машаққатли меҳнатлари, изланишлари эвазига дастурхонларимиз тўкин, қут-барака аримайди. Муҳими, деҳқончилик билан бирга оилалар даромади ҳам ортиб бормоқда. Бу — оила бой бўлса, юрт бой бўлади, дегани эмасми?!

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Yurtning obod go'shalari

Muruvvat

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 431-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Бу кўзларда порлагай қувонч

Дунёда бирор ота-она йўқки, фарзандининг юзидаги кулги, шодликдан масрур бўлмаса, боласининг кафти тилинса ҳам оғриқни танидан ўтказмаса. Мазкур тадбирда болаларнинг порлаётган чеҳрасини кўриб, оналарнинг, мураббияларнинг кўнгли севинчдан нурафшон бўлди.

Рухий ва ақлий ривожланишида нуқсон бор уч ёшдан етти ёшгача болалар мазкур мактабгача таълим муассасасида мукамал имкониятлар оғушида тарбияланмоқда. Муассаса замонавий дизайн асосида таъмирланган. Ҳовли саҳни гўзал фаввора, сузиш ҳавзаси, ёзги ўйин майдончалари ва дам олиш жойлари, кўм-кўк арчалар билан ажиб манзара касб этган. Ёзги спорт майдончаларидаги мультфильм қахрамонлари, муассасанинг эртақмонанд безатилгани тарбияланувчилар дунёқараши ва беғубор тасаввурлари шаклланишида хизмат қиляпти.

Ушбу мактабгача таълим муассасасида тажрибали дефектолог, руҳиятшунос, педиатрлар, шифокор ва ҳамширалар, мураббиялар, муסיқа муаллимлари болаларга меҳр бериб, парвариш қилишяпти.

Тадбирда иштирок этган ота-оналар мурғак қалбларга мурувват кўрғазиб, улардаги бўшлиқни тўлдирishга интилаётган оққўнгил инсонларга миннатдорлик билдиришди. Куй-қўшиқлари, эҳтиромга йўғрилган шеърлари, ажойиб рақслари орқали болалар ҳам мураббияларига ташаккурларини изҳор этишди.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Kitob javoningizga

Турфа туйғулар тараннуми

Таниқли шоир Туроб Ниёз номи «Муҳаббат осмони», «Гуллаган боғлар», «Муҳаббат гуллари», «Очиқ юрак», «Кўнгилга мурожаат» каби шеърӣ китоблар орқали китобхонларга яхши таниш. Муаллиф муҳаббат, ватан, оила, вафо ва садоқат каби мавзуларда қалам тебратиб келаяпти.



руҳида ёзилган. Ўқиганда кишининг ғашига тегмайди, аксинча, ўқувчи руҳиятига соккилик беради.

*Ўзинг содиқ бўлмай туриб,
Эй кўнгил,
Содиқ дўст ахтариб,
Бўлма хомтаъма.*

Шоирнинг бу ҳикматомуз давватига бефарқ қараб бўлмайди. Аксарият тўртликлардаги онани — аёлни улуглашдек маъсум ҳис-туйғулар беихтиёр кўнгилларга кўчади.

Ёмғирдан сўнг табиат ғуборлари босилганидек, ўйлаймизки, «Уммон томчилари» ҳам кўнгил ғуборларини ювади.

Майсара НАЗАРОВА

Ижодкорнинг «Уммон томчилари» деб номланган янги тўпламига киритилган 1011 та тўртлигида ҳам гўзал туйғулар тараннум этилади. Шоирнинг ички кечинмалари, ҳаётдан олинган сабоқлар, чиқарилган хулосалар бадийий воситаларда, реал чизикларда чизилади.

*Орзую армонлар,
кулгиларимни,
Мўъжазгина шеърлар —
тўртликлар билан,
Барчаси самимий,
бари чин дилдан.*

Бу фикрлар шоир ижодининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Китобнинг номланиши, бир қарашда, содда туюлади, аммо кичик шеърлар-

да тугал маъно, мазмун муҳассам. Самимий кечинмалар ҳосиласи — тўртликларда турли мавзуларни учратиш мумкин: ватан, устоз, халқ, меҳр-оқибат, дўстлик, яхшилик, меҳмондўстлик...

Аксарият тўртликлар мумтоз адабиётимиз анъаналари

Quvnoq maydoncha

БУНИ ТОЛИНГ, БОЛАЛАР!

Топишмоқнинг оддий саволдан фарқи шу-да, у болаларни фақат жумбоқнинг ўзи билан таништирмай, уларга эстетик завқ ҳам беради. Тасаввурларини бойитиб, дунёқарашини кенгайтиради. Мумтоз адабиётимизда яратилган чистонларнинг (Увайсий, Ғафур Ғуллом) ҳануз машҳурлиги, халқ оғзаки ижодига оид топишмоқларнинг мингйилликлар оша яшаб келаётганининг боиси ҳам шунда.

Камтарин ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Тоҳир Муллабоев ҳам болалар учун бир-бирдан ажойиб топишмоқлар ижод қилиб келмоқда. Қуйида унинг қаламига мансуб янги топишмоқларни эътиборингизга ҳавола этаёلمиз.

*Ўт ёнса юрагида,
Ишга шай пўлат тойчоқ.
Ишлабсанг керагида,
Доим бўлар кўнглинг чоғ.
Ойнадек силлиқ юзи,
Кийимга тушса изи,
Ороланар чит, газмол,
Унинг номи-чи ...*

*Кийгизсанг унга қалпоқ,
Ёришади ҳаммаёқ.
Ўхшаб кетади нокка,
Уланади у тоқка.*

*Белбоғ боғлаб белига,
Аста эгилар ерга.
Чангни ҳайдаб бир пасда,
Уйни қилар ораста.
Тозаликка керак у,
Дўстлар, айтинг, нима у?*

*Ҳар кунингни режалаб,
Тиним билмай юради.
Уйротса ҳам эрталаб,
Ўз жойида туради.*

*Ҳар бир ишни бирлашиб
Бажарар икки ўртоқ.
Ўртага тушганларнинг
Аҳволи бўлар чатоқ.*

*Ичи ойна, ялтироқ,
Чойни сақлайди қайноқ.
Эрмай турар, ўртоқ,
Ҳатто қўйсанг музқаймоқ.*

*Тангадек силлиқ юзи,
Бор икки ё тўрт кўзи.
Иссиқ, совуққа қалқон,
Соғлигинг учун посбон.
Огоҳ этиб у ҳар он,
Бўлма дер ёқавайрон.*

*Сувга оҳиста отиб,
Кузатасан жим ётиб.
Сув юзи бўлса ҳалқа,
Ўлжа тушибди лаққа.*

*Ташқарида иссиқ, ёз,
Ичида совуқ, аёз.
Ўзи ажойиб хона,
Турар жойи ошхона.*

*Ерда чўзилган нарвон,
Ўтар устидан карвон.*

*— Тўхта! Кутгин! Тез ўтгин!
Қонди сўзлари.
Қизил, сариқ ва яшил
Чақнаб турар кўзлари.*

Хавфсизликка шай хизмат

Пойтахтимизда қўриқлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги Республика «Қўриқлаш» бирлашмасининг раҳбар ва масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Вазирлик тизимида қўриқлаш бўлинмалари 1991 йилдан фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан республика бўйича 3,5 мингдан зиёд объект, шунингдек, 9 мингга яқин шахсий хонадоннинг хавфсизлиги таъминланяпти.

Матбуот анжуманида Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи, полковник Тоҳириддин Нажимов қўриқлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қўриқлаш чоратadbирлар ҳақида тўхталди.

— Қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг профессионал ва жанговар тайёргарлигини оширишга юқори


эътибор қаратганмиз, — деб таъкидлади Т.Нажимов. — Ходимларимизнинг аксарияти ёш кадрлардан иборат. Улар қўриқлашнинг замонавий техника ва технологияларини муқаммал ўзлаштиришмоқда. Бу давр талабидир. Ҳозир хизмат тасарруфида 170 та техник қўриқлаш пункти мавжуд. Ҳар бир пункт сўнгги русумдаги автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Тизимга замонавий қўриқлаш воситаларини жорий этиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Шу мақсадда сўнгги беш йил мобайнида дунёдаги

етақчи фирмаларнинг янги мосламаларини синовдан ўтказдик. Улардан бири янги турдаги алоқа ва кузатув мосламасидир. У ҳам оддий, ҳам шиша кабели алоқа линияларида ишлай олади. Мазкур мослама объектни етти турдаги хавфсизлик чоралари кўрган ҳолда қўриқлаш имкониятини беради. Масалан, хонадонда ёнғин чиқиш хавфи туғилганда (газ, дазмол ёки бошқа электр жиҳозлари ёқиб қолдирилганда) мослама тегишли хизматларни автоматик равишда хабардор этади. Бундай техник янгилик шу йилнинг охиригача Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилоятидаги қўриққа олинган объектларда татбиқ этилади. 2016 йилга қадар янги мосламани республикамиздаги қолган барча қўриқланувчи объектларга ўрнатиш режалаштирилган.

Қўриқлаш хизмати тасарруфидаги техник қўриқлаш пунктлари ҳақида икки оғиз сўз. Ушбу пунктлар қўриқландиган объектларга яқин ҳудудларда жойлаштирилади. Масалан, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида бир нечтагача ана шундай пункт мавжуд. Техник қўриқлаш пунктларида тезкор кўлга олиш гуруҳларининг кечаю кундуз навбатчилиги ташкил қилинган. Қўриққа олинган объектда бирор қорхон юз берса, айтилик, ўғрилик содир этилаётганда тезкор кўлга олиш гуруҳи воқеа жойига узоғи билан уч дақиқада етиб боради.

Тadbир давомида иштирокчилар ҳудудлардаги қўриқлаш бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларга ҳам тўхталишди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири



Японияда

ҚОВУН ПИШДИ

Японияда бир жуфт қовун нақ ўн олти минг долларга сотилди.

Қовунни Японияда сабзавот-мева ни қайта ишлайдиган йирик фирма эгаси, йил тadbиркори сотиб олди. Tadbirkorнинг сўзларига қараганда, у бу қовун билан фабрикаларда амалиёт ўтаётган болаларни меҳмон қилиш ниятида. Японияда бу йил апрель ойи салқинроқ бўлгани сабаб, юбари қовунлари муддатидан сал кечроқ пишди. Эслатиб ўтамиз, қовуннинг бу нави шаҳар номига қўйилган бўлиб, одатда, оч яшил кўринишга эга. Бандининг чиройли кўринишга эгаллиги сабаб, кўпчилик бу қовунни совға учун харид қилади.

Ови бароридан келди

Немис балиқчиси Кристиан Йохансен Барен денгизининг Норвегия қирғоғидан оғирлиги 194 килограмми палтус (камбаланинг бир тури) балигини тутди.

Балиқнинг узунлиги салкам уч метр. Қирқ беш ёшли Кристианнинг сўзларига қараганда, овининг бароридан келиши худди лотереядан миллион ютиб олган билан баробар. Балиқчи ўлжасини икки шериги ёрдамида, тўрт соат мобайнида сувдан чиқариб олди. Палтус балиқчилар ўртасида ўзаро бўлинди. Уч йил муқаддам немис балиқчиси Гюнтер Хансель дунёдаги энг йирик палтусни овлаб «Рекордлар» китобига кирган эди. Ушанда Исландиядан тутилган балиқнинг оғирлиги 215 килограмм келган.

Ноанъанавий усудда

Швецияда антиқа мактаб очилди. Стокгольмдаги «Очиқ макон» (Openspace) деб аталаётган мактаб мамлакатда 1990-йилларда бошланган таълим ислоҳотининг мантиқий давоми бўлди.

Мактабни архитектор Розан Бош лойиҳалаштирган. Синфхоналар очиқ маконга айланттирилган ва у ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда мулоқотига замин яратади (ўқувчилар бутун макон бўйлаб эркин ҳаракатланишлари мумкин). Мактаб ранг-баранг мебеллар, ўқув ва иш хоналари, кутубхоналар, кинотеатрлар, ландшафт зоналари ва лабораторияларга эга. Ўқувчилар унча катта бўлмаган гуруҳларда таълим олишади (гуруҳда 5-7 киши бўлади ва ҳар бир гуруҳнинг ўзининг маълум ихтисослашуви бўлади). Ҳар бир ўқувчида нутбук бўлиб, у таълим жараёнининг асоси ҳисобланади. Бу мактаб нафақат билим беришни, шу билан бирга, ўқувчиларни эркинлик ва ҳамкорлик руҳида тарбиялашни ҳам биринчи ўринга қўяди. Педагог-психологлар бу мактаб келяжакда ўз ижобий натижаларини кўрсатишини айтишмоқда.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ
тайёрлади



«Universiada — 2013»



Ilhom



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ҳаяжонни кучли ҳозирлик енгади

Бухорода бўлиб ўтиши кутилаётган юртимиз талаба-ёшларининг «Универсиада — 2013» спорт ўйинларида иштирок этадиган спортчи тенгдошларимиз сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишмоқда. Мусобақаларга ким қай даражада тайёр? Кимнинг мақсади қанақа? Тенгдошларимизнинг тайёргарлиги хусусида вилоятлардан хабар беришади.

БИЗ МУСОБАҚАЛАРГА ШАЙМИЗ!

Универсиадада иштирок этиши аниқ бўлган ҳар бир андижонлик талаба-спортчи бугун бу гапни баралла айта

олади. Вилоят талаба-спортчиларининг бу галги спорт ўйинларида ҳам аввалгилари каби муваффақиятли иштирок этишлари учун барча шароитлар муҳайё этил-

ди. Бунга жавобан, андижонлик универсиадачилар Бухордан медал ва совринлар билан қайтишни мақсад қилишган. Жумладан, волейболчи йигит ва қизлар ҳам.

Мусобақаларнинг республика финал босқичи йўлланмасини қўлга киритган волейболчи йигитлар жамоаси маҳоратли мураббий Ўткирбек Умрзоқов қўлга киритган астойдил шуғулланапти.

— Универсиада менинг ҳаётимда муҳим ўрин тутади, — дейди ёш мураббий Ўткирбек Умрзоқов. — Нега-

ки, менинг кўп қувончли онларим айнан мана шу мусобақалар билан боғлиқ. Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олган йилларимда Наманган вилоятида ўтган биринчи Универсиада спорт ўйинларида жамоамиз билан олтин медалларни қўлга киритган эдик. Орадан йиллар ўтиб, 2010 йил Андижонда ўтказилган мусобақаларда энди мураббий сифатида жамоам билан голиб бўлдим. Бир неча ой олдин бўлиб ўтган «Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг минтақавий саралаш босқичларида ҳам биринчи ўринни олиб, республика финал босқичида иштирок этадиган бўлдим. Насиб этса, бу йил ҳам мақсадимиз голиб бўлиш. Албатта, унда қатнашадиган ҳар бир жамоани ҳурмат қиламиз. Уйлайманки, мусобақалар қизгин ўтади. Бу эса унда иштирок этадиган ҳар бир спортчи-талабанинг маҳорати ва тажрибасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Вилоят терма жамоаси таркибига киритилган 88 нафар спортчи, 15 нафар мураббий Универсиада спорт ўйинлари дастурига киритилган футболдан ташқари қолган ўн бир спорт тури бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Улар барчасининг шашти баланд. Умид қиламизки, Бухорода бўлиб ўтадиган Универсиада спорт ўйинлари ёшларнинг ана шундай жўшқин ва шижоатли ҳаракатлари билан мухлису мутахассисларга олам-олам завқ ҳада этади.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилояти

Муваффақият гарови нима?

«Универсиада — 2013» спорт ўйинларининг финал босқичига навоийлик спортчи ёшлар ҳам жиддий тайёргарлик кўришди. Навоий давлат педагогика институти ҳамда Навоий давлат кончилиқ институтининг 73 нафар йигит-қизи айна пайтда мусобақаларга шай. Улар тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларидан етарлича сабоқ олишди.

Таъкидлаш жоизки, бу спорт мусобақаси талабаларнинг жисмоний ва маънавий камолотга эришишида, уларнинг спорт соҳасидаги салоҳиятларини рўёбга чиқаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан, Универсиада мусобақалари навоийлик ёшлар учун ҳам мамлакат чемпионатлари ва жаҳон биринчиликлари олдида маҳорат ва тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда.

— «Универсиада — 2013» спорт му-

собақаларига иштирокчи талабаларимиз жиддий тайёргарлик кўришди. Улар асосий вақтини спорт залларида тажрибали мураббийлар машғулотларида ўтказишди. Анжуман олдида Универсиада спорт турлари бўйича босқичма-босқич саралаш мусобақалари ташкил этилди. Натижада, спортчи талабаларимиз орасида спортнинг ўн та тури бўйича вилоят шарафини муносиб ҳимоя қиладиганлари аниқланди, — дейди Навоий давлат педагогика институти қошидаги «Талаба» спорт клуби раҳбари Ёқуб Мустафоев.

Навоий вилоят терма жамоаси таркиби маҳоратли талаба-спортчилардан ташкил топган. Жумладан, улар орасида сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари Иброҳим Назаров, Пётр Ромашкин, мамлакат терма жамоаси аъзоси Тоҳир Мусаев, кураш бўйича спорт усталарига номзод Шоҳрух Худоёровнинг борлиги алоҳида аҳамиятлидир.

Айни пайтда Навоий вилоятидаги замонавий спорт мажмуалари «Универсиада — 2013» спорт мусобақалари иштирокчилари билан гавжум. Улар ушбу нуфузли мусобақада муносиб ўринга эга бўлиш ҳамда вилоятга

медаллар шодаси билан қайтиш умидида. Аввалги Универсиадада вилоят талаба-ёшлари 8 та олтин, 5 та кумуш, 12 та бронза медални қўлга киритиб, фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлишганди. Шу боис бу йил ҳам уларнинг шашти баланд.

— Бизга «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига қарашли «Дельфин» сузиш ҳавзасида шуғулланишимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Мусобақалар спортчидан матонат ва шижоат талаб этади. Машғулотлар эса, уни чиниқтиради. Айни пайтда асосий мақсадим эртанги нуфузли мусобақада муваффақият қозонишдир, — дейди Навоий давлат кончилиқ институти магистранти, халқаро тоифадаги спорт устаси, сузиш бўйича мусобақа иштирокчиси Иброҳим Назаров.

Таъкидлаш жоизки, Навоий шаҳридаги муҳташам «Ёшлар» спорт мажмуасида энгил атлетикачилар учун ҳам барча қўлайликлар муҳайё этилди. Энг муҳими — спортчиларнинг ютуғи. Пухта ҳозирлик эса, муваффақиятлар гарови ҳисобланади.

Отабек АСЛОНОВ,
Навоий вилояти

ПОЛВОН БОЛАМ

Қўлингни бер, полвоним,
Тоғлар каби адл тур.
Ким полвон, ким полвонмас,
Шул майдонда билинур.

Кураш бизнинг фахримиз,
Голиб бўлмоқ — аҳдимиз.
Елкаси ер кўрмаган,
Ўзбекликдан бахтлимиз.

Ўртадаги полвоним,
Бобосидай мағрур, шер.
Эгнингдаги яктагинг
Аждодлардан меросдир.

Ор-ғурурдан юксалиб,
Олтин товоқни айлан.
Алплик камарин боғлаб,
Музаффарликка шайлан.

Белдан ушлаб даст қўтар,
Эл гурроси даврада.
Акс-садоси қайтади,
Кураш, дея дунёдан.

Кураш бизнинг фахримиз,
Голиб бўлмоқ — аҳдимиз.
Елкаси ер кўрмаган,
Мард ўғлонлар — бахтимиз.

Қирмиз ЭШМУРОВА,
Қарши туманидаги 11-мактаб
ўқитувчиси

ЮРТ МЕҲРИ

Меҳрим чексиз, қалбимдасан,
Жонимдасан, қонимдасан.
Ор-номусим, ҳам ғурурим,
Жаннатмонанд Ватанимсан.

Ўзга элнинг гулларида,
Нафисроқдир тиканларинг.
Ҳеч нарсага алишмасман,
Тўтиёдир сарҳадларинг.

Қалб тўридан келар нидо,
Самоларни бўйлар садо:
Шундай элу, шу ватанга
Бўлсин азиз жоним фидо!

Феруза РИЗАЕВА,
Бухоро вилояти Гиждувон
туманидаги 21-мактаб
ўқитувчиси

YON DAFTARCHANGIZGA

Бор мақтанса, ярашар,
Йўқ мақтанса, адашар.

Ўзбек халқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Turkiston»), Элмурод Нишоннов
(масъул котиб — «Turkiston»),
Ирина Кочергина (бош муҳаррир
ўринбосари — «Молодежь
Узбекистана»), Елена Калинина
(масъул котиб — «Молодёжь
Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Назарова
Майсара
Тошевна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-643.
Адади — 13455

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
ЎЗА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6